
Туман ҳокими чемпионни кутиб олди

Данғара тумани Спорт мактабида спорт машғулоти билан мунтазам шуғулланиб келаётган Рафиқов Диёрбек Давлатжон ўғли жорий йилнинг 16-20-май кунлари Қўл жанги бўйича Россия Федерацияси, УФА шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида III-ўринни эгаллади.

Чемпион Ғумойли МФЙда жойлашган ўз ҳонадонида туман ҳокими, ИИБ бошлиғи, спорт мактаби жамоаси, спортчининг яқинлари биргаликда кутиб олинди.

Туман ҳокими чемпионни ёрқин ғалаба билан табриклаб, тенгдошлари ҳам Диёрбекдан ўрناق олишга, Ватанимиз байроғини жаҳон майдонларида юксакларга кўтаришда ўз ҳиссаларини қўшишга чақирди.

Шундан сўнг туман ҳокимининг эсдалик совғалари ва ташаккурномаси тантанали топширилди.

2024-05-24 17:40:46